



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 20 март, № 55 (4970)

Шанба

## Янгилашиш ва яшариш фасли



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Юртимизда уйғониш, яшариш, янгилашиш айёми — Наврўзи олам нафаси кезиб юрибди. Халқимиз ушбу кўтлуг шодиёнини ҳар йили ўзгача шукҳ ва кайфият билан қарши олишга одатланган. Ҳозир қаерга борманг, юзларда ана шу ҳаяжонни кўрасиз, қизгин тараддудининг устидан чиқасиз: янги йўллар, кўприклар, маданий-маиший иншоотлар, тураржой бинолари қад ростлапти, боғу роғлар, кўчаю хиёбонларга турли хил ниҳоллар қадалаяпти, анвойи гуллар экиляпти...

### Айём шукҳи

Қисқаси, юртни обод қилиш йўлидаги хайрли ишда барча бир тану бир жон бўлиб, ўз хиссасини қўшаяпти. Бу истиқлол берган буюк нуёмат — тинч, осуда, бахтли ва фаровон ҳаётнинг одамларимиз онгу шуурига олиб кирган бунёдкорлик хислатларининг амалдаги кўринишидир. Бизга фахр ва ифтихор бағшлайдиган жиҳати шундаки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамоллигида олиб борилаётган бундай оқилона сиёсат самаралари халқро ҳамжамят томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам нафақат тарихий шаҳарларимиздаги бетақдор обидаларни, балки ҳар бир ҳудудда давом этаётган янгилашишларни бевосита кўриш иштиёқига юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Шаҳару қишлоқларда дошқозонларда сумалак қайнаб, ариқ бўйларидидаги ялпизларнинг, дашту далалардаги исмалоқларнинг кўкларнинг тотли таомлари сифатида дастурхонга тортила бошлаганига анча бўлди. Бугун юртдошларимиз қалбидидаги яратувчанлик, бунёдкорлик ҳисси, хайрли ишларга бўлган интилишу иштиёқ туйғулари ҳар қачонгидан юксак. Табиатдаги, борлиқдаги ўзгаришлар одамлар қалбидидаги янгилашишлар билан ҳамохангдек гўё.

## Кўклар Ифори

Демак, юртимизга яна Наврўз келди, айём шукҳи кўнгиллари гўзалликка ошно этди.

Бугун кўча Самарқанднинг қай бир гўшасига борманг, хайрли ишларга иштиёқман инсонлар ташаббуси, меҳнати, саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни кўриб хайратга тушасиз, завқ оласиз. Мана, айни кунларда воҳанинг ҳар бир кўчаси, хиёбони, маҳалласида бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўчаларнинг янгилаштириш ишлари авжида. Хонадонларни саришта этишдан бошланган хайрли ташаббуслар умумхалқ миқёсидидаги тадбирларга, ҳашарларга айланаётди. Яхши ният билан ниҳол ўтказаятган, ариқ ва зовурларни тозалаятган, йўллар ва кўприкларни содлаётган, ободончилик ишларида иштирок этаётганларнинг саногига етиш қийин. Айниқса, вилоят маркази — Самарқанд шаҳрида Наврўзга тарадду ишлари қизгин тус олган.

Жумладан, умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилган кунларда қадимий Регистон майдонининг шукҳи ўзгача эди. Бу ерда янгидан ташкил этилган каттагина хиёбонда иккита фаввора қурилган, кўплаб манзарали даракларнинг ўтказилиши, гулзорлар барпо этилиши Регистон ва Тошкент кўчаларининг кесишган ҳудудидаги мазкур муаззам хиёбон қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Майдондаги асосий юмушларни бажаришда «Аср», «Кенстроймонтаж», 505-қурилиш корхонаси жамоалари фаолият кўрсатишди.

Шаҳар дарвозаларидан бири — темир йўл вокзалидан Университет хиёбонига қадар бўлган масофада — Беруний ва Улуғбек кўчаларида Наврўз арафасида

амалга оширилаётган ишлар барчанинг эътиборини тортаяпти. Негаки, айнан ана шу икки кўчани кенгайтириш, атрофида ўндан ортиқ янги замонавий кўп қаватли уй-жойлар, бундан ташқари бир қанча инжимоий-иқтисодий иншоотлар барпо этиш ишлари жадал олиб бориляпти. Бу кўчаларда янги ариқлар қазилди, дархат ва гул кўчатлари ўтқазилди, ободонлаштириш юмушлари ҳам қурилиш ишлари билан уйғун равишда амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

— Вилоятда кўтлуг айём — Наврўзга тайёргарлик ишларидан кўнгил тўлади, — дейди «Маҳалла» жамағатисини вилоят бўлими раиси Шавкат Жоникўлов. — Биргина Наврўзолди умумхалқ хайрия ҳашарида 1 миллион 300 миң нафардан ортиқ фуқароларимиз иштирок этиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида 2500 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди. 3 миллиондан зиёд мевали ва манзарали дархат кўчатлари ўтқазилди. 23 миң 821 хонадон ҳашар йўли билан таъмирланди. 3 миңдан ортиқ кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилага 50 миллион сўмга яқин мурувват ёрдами кўрсатилди. Ана шу эзгу ишларнинг аксари Самарқанд шаҳри улушига тўғри келади.

Наврўз кунини самарқандликлар ва меҳмонлар шаҳар марказидаги «Мўъжиза» амфитеатрида катта концерт ва байрам томошаларидан баҳраманд бўлишди, бутун шаҳар бўйлаб ташкил этиладиган сайилда иштирок этишди. Бундай тантаналар вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида давом этади. Хуллас, айём шукҳи кўнгилларида кўнгилларида кўчади.

Абдурасул САТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу йил 18 март кунини Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенатида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги: амалиёт ва самарадорлик» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Қонун ижодкорлиги фаолиятида ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг раислари, сенаторлар ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳужалик суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридидаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти ходимлари, Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирилик академияси олимлари, мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Адвокатлар палатаси раҳбарлари ва мутахассислари, манфаатдор вазириликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатани парламент фаолияти яқинларини сарҳисоб қилар экан, «...парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиغان ва қабул қиладиган кўйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимиз-

(Давоми 2-бетда).

## ШХТ ва АСЕАН: УЙҒУН МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

2001 йилда ташкил топган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) бугунги кунга келиб дунёдаги энг нуфузли тузилмалардан бирига айланган. Фикримизга ҳозирги вақтда минтақавий хусусиятга эга бўлган қатор масалаларни ШХТнинг иштирокисиз самарали ҳал этиш мумкин эмаслиги ҳам мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «ШХТ тарихи ўлчовида қўшма бўлган ўтган давр мобайнида нафақат ўзининг ҳаётининг кўрсатди, балки жаҳон сиёсий майдонида сиёсат ва ҳавфсизликдан тортиб то иқтисодий ва гуманитар масалаларгача бўлган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини бартараф этиш бўйича халқаро форум сифатидаги ўрнини мустаҳкамлади».

ШХТ фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан шериклик тармоғини ташкил этиш ишига қўшилиш тақлифи билан халқаро ва минтақавий тузилмаларга мурожаат қилганда.

### Биз ва жаҳон

АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси) ҳам ШХТ билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирган эди.

Экспертларнинг фикрига кўра, ШХТ ва АСЕАН ҳамкорлигининг истиқбол, энг аввало, ушбу ташкилотлар кўлаб минтақавий ҳамда глобал муаммолар бўйича бир хил нуқтаи назарни ёқлашида аён бўлади.

2005 йил апрель ойида Жакарта шаҳрида ШХТ ва АСЕАН котибиятлари ўртаси-

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Андижон.** «Андсанопласт» масъулияти чекланган жамиятида «Дамас», «Матиз» ва «Нексия» автомобиллари учун панеллар, олд тўсиқлар ва эшик тутқичлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

**Бутловчи қисмлар — ўзимиздан**

Бугун ушбу корхонада автомобиллар эҳтиёт қисмларининг 22 тури тайёрланмоқда. Шу пайтга қадар бу маҳсулотлар валюта эвазига хориждан келтирилар эди. Корхона жорий йилнинг ўтган даврида бюртмачиларга 550 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар етказиб берди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Харажат ўрнига даромад**

ХОРАЗМ. Хонқа туманидаги «Хонқабод» кичик корхонасида пластмасса чиқиндисини қайта ишлаш йўлига қўйилди.

Бу ерда хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида 37 турдаги электр жиҳозлари ҳамда

енгил саноатда кенг қўлланиладиган хом ашёлар тайёрланмоқда.

Утган икки ой мобайнида корхонада чиқиндидан 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот**

НАВОИЙ. Хатирчи туманилик тадбиркор Абдуразоқ Абдуқодиров ўз маблағи ҳамда банкдан олган 50 миллион сўмлик кредити эвазига шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Натижада илгор технология метр томёкчи материаллари ёрдамида маҳаллий хом ашёдан йилига 28 миң квадрат метр томёкчи материаллари ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

**Ибратли ташаббус**

СИРДАРЁ вилоятида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун алоҳида имтиёз жорий этилди.

Эндиликда улар жамоат транспортдан бепул фойдаланишди.

Қувонарлики, Баркамол авлод йили муносабати билан амалиётга таъбиқ этилган бу хайрли ташаббус ўқувчи ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўқув муассасаларида таълим сифатини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

2009 йилда мамлакатимизда экспорт ҳажми 2,4 фоизга ўсди.

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Бу — иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти юксалиб бораётганидиган, хорижга чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг тури кўпайиб, сифати халқаро андозалар даражасига етаётганидиган, ташқи дунёнинг Ўзбекистон товарларига қизиқиши тобора ортаётганидиган далолат беради.



**Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихий, маданий ҳамда маънавий меросининг моддий ва номоддий намуналарини тиклаш, муҳофаза қилиш, тарғибу ташвиқ этиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, юртимизда маданий аҳамиятга ва қимматга эга бўлган маънавий қадрият ҳамда бойлиқни асраш, ўрганиш ва ривожлантиришнинг рағбатлантириш тизими яратилди. Ва унинг асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.**

# НАВРЎЗНИНГ БЕҚИЁС ЖОЗИБАСИ

**Уни барчамиз хушқайфият, янги орзу-умидлар билан қаршилаймиз. Ушбу байрамнинг инсоният ҳаётидаги алоҳида ўрни мавжудлиги туфайли ўтган йили ЮНЕСКОнинг "Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати"га киритилди.**

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан киритилган "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияси (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун халқимизнинг бой тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва дунёга кенг ёйиш, яъни халқаро миқёсда тан олиншини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ва 2007 йил 13 декабрда қўлга кирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Конвенцияга мувофиқ, "номоддий маданий мерос" тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар ва маданий мақолаликни акс эттиради. Бу эса, ўз навбатида, ҳамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ҳамда ўзига хосликни, ворилик туйғусини шакллантиради. Табиийки, бу инсоният ижоди ва маданий хилма-хиллик-

нинг хурмат қилинишига кўмаклашади.

Ушбу хайрли ишлар ва хатти-ҳаракатларнинг самараси нати-

## Ифтихор

жасида эса, эътироф этиш керакки, Наврўз байрами билан боғлиқ анъана ва қадриятларимиз мажмуи, яъни Наврўз ҳамда Катта ашула 2009 йилда ЮНЕСКОнинг "Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати"га киритилди. Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг мазкур рўйхатида ташкилотга аъзо давлатларнинг жами 92 та дурдонаси жой олган бўлса, улар ораси-

да Ўзбекистон номоддий маданий меросининг 4 та намунаси бор. Булар Бойсун тумани маданий мероси (2001 йил), "Шашмаком" мусика аъёнлари (2003 йил), Наврўз ва Катта ашуладир (2009 йил).

Ўз навбатида, Наврўз байрами-

илҳақлик билан қарши олаётир. Негаки, бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга эга. Зеро, "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бири бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат сингари инсоний аъмоллар Наврўз арафасида янада ривож топади. Инсонларнинг бири-бирига нисбатан ўзаро ишончи ва ҳурмати ошади. Ешув қари кўчаю хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга, дашту далаларга, қир-адирларга чиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонандалар хоних қилади, бахшилар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизикчиларнинг ичакузди латифаю пайровлари кўнгилашга шодлик улашади. Кишилар дор-бозу морбоз, масхарабозу қўғир-чокбозлар баҳси, улоқ-қўпқари, пойга, кураш, мерганлик томошаларидан завқланадилар. Дастурхонларни баҳорий таомлар бегайди, дошқозонларда ҳалим, сумалак қайнайди...

Ана шундай эзгу хислатлари туфайли ҳам Наврўз бизнинг ифтихоримиз ва гуруримиздир.

**Насимжон АЛИМОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, ШХТ ва АСЕАН ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим ўрин туғувчи йўналишларидан бири минтақавий хавфсизликни таъминлашдан иборатдир. Мазлумки, АСЕАН Жануби-Шарқий Осиёда замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни муҳофаза қилиш ҳамда уларга қарши курашишнинг самарали механизми ўлароқ майдонга чиқади. Ўз навбатида, ШХТ Осиё-Тинч океани минтақасида хавфсизликнинг жамоавий тизимини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Минтақадда фаолият юритаётган бошқа бирлашган уюшмалар қаторида ШХТ кўп томонлама ҳамкорлик тизимида муҳим бўгин сифатида буй кўрсатади. Экспертлар томонидан таъкидлангани, ШХТ АСЕАН билан ўз фаолиятида-

## ШХТ ва АСЕАН: УЙГУН МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

ги энг муҳим соҳалардан бири бўлган терроризмга қарши курашиш йўналишида баъзи ўхшаш ёндашувларга эга. Ушбу икки ташкилот сиёсий, иқтисодий, экологик ва гуманитар ўқимлардаги ўзаро ўхшаш мақсад ва вазифалар билан бирга, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий макому, имзоланган низомилар ҳамда асос бўлиб хизмат қиладиган бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги каби жиҳатлардан ҳам бири-бирига яқиндир.

ШХТ ва АСЕАН давлатларини географик яқинлик, Осиё ва Тинч океани минтақасидаги умумий мақсадлар, уюшмаларнинг фаолият маконида тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашдаги манфаатдорлик, иқтисодиёт, транспорт, маданият ва туризм каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари боғлаб туради.

Сармоявий ёки молиявий ҳамкорликни ўрнатиш, хусусан, глобал инқироз таъсиридан бартараф этиш бўйича ахборот алмашишни ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши ўзаро муносабатларнинг фаоллашувиغا хизмат қилади.

Хозирги вақтда ШХТ ва АСЕАН ўртасидаги ҳамкорлик котибиятлар ўртасида ахборотлар ва тажрибалар алмашиш, экспертлар маслаҳатлашувларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилмоқда. 2008 йил ноябрь ойида Пекин шаҳрида ШХТ ва АСЕАН бош котибиятлари даражасидаги учрашув бўлиб ўтди. Мазкур учрашув чоғида меморандум асосидаги мунтазам алоқаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳар икки томоннинг азму шижоати ўз тасдиқини топди.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

сусткашлиги, уларда фаолликнинг етишмаслигини енгиш, қабул қилинаётган қонунларга уларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган процесуал механизмларни киритиш зарур бўлиб, бу охири-оқибатда парламентдан юксак даражада ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ошириш йўллари узлуксиз равишда излашни талаб қилади. Масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари иш тажрибасини алмашидилар, Қонунчилик палатаси ва Сенат кўмиталари-

нинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда тақомиллаштириш масалалари юзасидан ўз тақдир ва истақларини билдирдилар. Давра суҳбати ишти-

рокчилари қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва тақдим этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан қўриқ ҳамда қўйи палата келишуви комиссиялари доирасида келиб чиқадиган баҳс-мунозаралар масалаларини ҳам қизгин муҳокама қилдилар.

Давра суҳбати якунлари бўйича муҳокама қилинган масалага доир тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ў.А.

# ПАРКЕНТДА БАҲОР САЙЛИ

**Юртимизнинг барча худудларида байрам шукуҳи кезмоқда.**

**Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам кўкпаланинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди.**

Байрамолди ҳашарларида ёшув кекса фаол иштирок этади. Маҳаллалар, қишлоқлар, кўчалар, тураржойлар ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

## Тадбир

Азалдан Наврўз меҳроқибат, хайр-саховат, бағрикенглик айёми сифатида улуғланади. Байрам кунлари вилоятдаги Саховат, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда дастурхон ёзилиб, байрам совғалари тарқатилмоқда. Қатор идора, корхона ва ташкилотлар, саховатпеша тadbirkorлар томонидан эҳтижманд оилалар, ёлғиз қария ва ногиронларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилаётир.



Бахтиёр АКРАМОВ («Халқ сўзи») олган сурат.

ҳорни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Вилоятда фаолият кўрсатётган фольклор-этнографик ва бадий жамоалар,

санъаткорлар ва ёш хонандаларнинг чиқишлари байрамга янада файз бағишлади. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вази-

рининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Л. СУВОНОВ,**  
**Ў.А. мухбири.**

**Биз баҳорни, Наврўзни соғина бошлаймиз. Булутлар биқинидан қўёш кўринганда энтикиб қўйишимиз ҳам, димоғимизга муссафҳо ҳаво урилганда вужудимиз яйраб кетиши ана шу соғинч туфайлидир. Зеро, одамзод туғилгандан бошлаб баҳор кўртаклари сингари тирикликка, яшашга интилади. Гўзал ва ҳаминша навқирон байрам — Наврўзда кўкаламзорлаштириш, экин-тикин ишлари авжга чиқади. Кимдир ён-атрофини ободонлаштиради, яна кимдир фарзандларию набираларини ёнига олиб кўчат ўтказиши. Беморлар ҳолидан хабар олинади.**

# ГЎЗАЛЛИК ТАРОВАТИ

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азалдан, минг йиллар давомида, "Авесто" замоналаридан буюн сақланиб ва эъзозланиб келаётган, бизнинг миллий табиатимиз ва одатимиздан ажратиб бўлмайдиган, энг қадимий ва энг севимли, чиндан ҳам, ҳақиқий халқ байрами сифатида қадрлаймиз. Эзгу ниятлар билан амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва гамжўрлик, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси МУСТАҚИЛЛИК шарофатидандир. Ватан равнақида ўз ҳиссасини қўшишга интилиш фўқароларимизнинг эътиқодидаги айлан.

Чуқур маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгилашнинг бошланчи, элчисифатида ардоқлаймиз. Бу элчибар паллада табиат очилиши, еру кўк уйғониши билан ўзимизни янгиитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу саъй-ҳаракатлар жўш ургандек бўлади.

Бунинг тасдиғи айна шу кунларда — барчамиз бағримизни кенг очиб, Наврўз айёмига пешвоз чиқаётганимизда, шаҳар ва қишлоқларимиз, воҳоя водийларимизда ўтаётган сайил-томошаларда, тансиқ баҳор таомларини тайёрлаб, уларни ўз яқинлари, ёру дўстлари, маҳалла-кўй билан баҳам кўраётган минг-минглаб одамларнинг

шоду хуррамлигида яққол намоён бўлмоқда.

Биз бу гал Наврўзи оламни Баркамол авлод йилида қарши оламиз. Наврўз ва Баркамол сўзлари маъно жиҳатдан бири-бирига яқин. Негаки, Наврўз Янги кун, деган маънони билдиради, баркамолликка интилиш ҳам инсон умрининг энг навқирон давларидан бошланади. Мамлакатимиз фарзандларини ёруғ истиқболга қорлашдек эзгу ном билан аталган 2010 йилнинг Наврўзи ҳам олоҳо кўтлуг келсин, деб ният қиламиз. Зотан, инсон ҳар доим орзу-хаваслар оғушида яшайди. Айниқса, бизнинг болаҳон халқимиз фарзанд туғилганда яхши ният билан кўчат ўтказиши. Фарзанднинг беғубор орзулари

илк йиллариданоқ улуг орзу — баркамол авлодини тарбияламоқ вазифаси энг устувор йўналишлардан бирига айланади. Бу борода қабул қилинган давлат дастурлари, ҳаётга татбиқ этилган ички ислохотлар, давом эттирилаётган янгилаш ва ўзгаришларни сезмаслик, кўрмаслик мумкин эмас.

XXI аср — ахборот технологиялари асри. Шу билан бирга, бу даврда еру юзида глобал муаммолар ҳам қузатилмоқда. Чунончи, сайёраимиздаги қай бир мамлакат табиат тажовузларидан азият чекаётган бўлса, яна бошқа бир давлатда аҳоли турли ижтимоий етишмовчиликлар гирдобида яшамоқда. Яратганга беавад шуқриқ, бизда ертанги кунга дадил ишонч билан

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўз байрами арафасида ана шу максатда келган меҳмонлар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакилларининг таассуротлари билан қизиқдик.

**Сатоко ЯМАХА (Осака шаҳри, Япония):**

— Бир ҳафтадирки, Тошкентдан. Саёҳатимнинг илк кунлариданоқ, биласизми, нима эътиборини тортди? Шаҳарда яратилаётган яшил худуд. Кўчаларда, хиёбонларда минглаб манзарали дарахтлар бор, ям-яшил майсалар барқ уриб ўсаётти. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги ҳушхавони айтмайсизми? Баҳор бошланиши билан одамлар яна янги-янги қўчатлар ўтказишаркан, гуллар экишаркан. Одатда, тараққий этган давлатлар пойтахтларида, йирик шаҳарларда замонавий бинолар қурилишига зўр бериладу, айнан атроф-муҳит муътадиллигини таъминловчи яшил манзара яратиш масаласи сояда қолади. Лекин инсон доимо табиийлик шайдосидир. Ўзбекистон шаҳарсозлигида мана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилиши эътиборини тортди. Яъни мамлакатимизда қурилайтган ҳар бир замонавий иншоот худуди, албатта, яшил хиёбон билан уйғунлаштирилган. Бу тажриба, шубҳасиз, ўрганишига аризулик.

**Сан Кю АН (Сеул шаҳри, Корея Республикаси):**

— Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз анъаналари, маданияти, урф-одатларини фахру гурури, деб билиди, уни юксак қадрлайди. Шу жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам Наврўз айёминини бошқа кўтлуг удумлар қаторида алоҳида кўтаринчилик билан қарши олишидан яхши хабардорман. Айниқса, бу байрамнинг халқ сайли тарзида нишонланиши эътиборга молик. Шодиёна кунларида дастурхонга миллий таомлар тортилади, асрлар давомида сақланиб қолган ўйинлар ўйналади, қизгин суҳбатлар, хурсандчилик... Хуллас, ҳақиқий миллийлик намён бўлади. Менинг фикримча, бунинг энг эътиборли томони, тантаналарнинг бевосита иштирокчиси саналган ёшлар учун ушбу урф-одатларнинг ўзига хос дарс бўлишидир. Демак, шу орқали узоқ йиллик анъаналарнинг бардавоми ҳам таъминланади.

**Мусо ДЕРЕК (Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили):**

— Юртимизда фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, одамларнинг меҳмондўстлиги, очик чеҳраси, ширинсуханлиги менга жуда ёқди. Бу ердаги иқлим ҳам ажойиб — қўёш тафти, муссафҳо ҳаво, озода кўчалар, гўзал бинолар... Ҳар бири алоҳида таърифа лойик.

Мен табиат гўзаллигига ошуфтаман. Шу боис имкон топиб, яқинда Тошкент вилоятининг тоғолди худудларидаги сўлим масканларни сайр қилдим. Айни баҳор фаслида бу жойлар ҳар

қачонгидан-да чиройли бўларкан. Кўшларнинг сайраши, шилдираб оқаётган сув, турли гиёҳларнинг димоққа уриладиган хушбўй иси киши кайфиятини кўтарди, руҳинг енгил тортади. Энг муҳими, бу заманда яшаётган одамлар ўзларини бахтиёр ҳис қилишади.

**Флоран БРЕССЕН (Париж шаҳри, Франция):**

— Хозиргача дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман. Ўзбекистон ҳақида эса Интернетдан, телевиденидан маълумот олардим. Унга қизиқишим ортиб, ўз кўзим билан кўриш нияти туғилди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга бормоқиман. Узоқ йиллик майдондаги ҳушхавони айтмайсизми? Баҳор бошланиши билан одамлар яна янги-янги қўчатлар ўтказишаркан, гуллар экишаркан. Одатда, тараққий этган давлатлар пойтахтларида, йирик шаҳарларда замонавий бинолар қурилишига зўр бериладу, айнан атроф-муҳит муътадиллигини таъминловчи яшил манзара яратиш масаласи сояда қолади. Лекин инсон доимо табиийлик шайдосидир. Ўзбекистон шаҳарсозлигида мана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилиши эътиборини тортди. Яъни мамлакатимизда қурилайтган ҳар бир замонавий иншоот худуди, албатта, яшил хиёбон билан уйғунлаштирилган. Бу тажриба, шубҳасиз, ўрганишига аризулик.

**Луи ЖИБЕРТ (Барселона шаҳри, Испания):**

— Ўзбекистон шундай юртки, бир марта ташриф буюрган одам, албатта, яна қайта келишни орзу қилади. Чунки бу ерда ҳақиқий шарқона манзара намён: самимиёлик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик жойига қўйилади, кичиклар катталарга хурматда. Ҳавас қилса арзийди.

Кайси мамлакатда бўлмай, иложи борича миллий таомларидан кўпроқ таътиб кўришга ҳаракат қилман. Қаранг, баҳор фаслида бу ерда анъанавий нознеъмат қаторида мавсумий таомлар ҳам пиширилган. Манти, чучвара, қўқомса, айниқса, сумалақнинг мазаси ўзгача. Менга жуда ёқди. Бу ўлканинг гўзалликлари хотирамда ҳали узоқ сақланиб қолади.


**Лиңда МАКЛЮР (Йоханнесбург шаҳри, Жанубий Африка Республикаси):**

— Кўча-кўйда юрган одамларга разм солдим. Ҳамма байрам кайфиятида. Бу жуда муҳим. Чунки фақат фаровонлик бўлган жойдагина кишилар ана шундай хотиржам ҳаёт кечиряди.

Яна бир жиҳат. Кўпгина мамлакатларда аҳоли шахсий машина сотиб олганда, хорижникига қизиқиш билдиради. Ўзбекистонда эса аксинча, кўчаларда, асосан, шу ерда ишлаб чиқарилган автомобиллар, автобусларга кўзингиз тушади. Бу миллий махсулотларга бўлган эътиборнинг юқорилигидан дарак беради. Ўз навбатида, ушбу ҳолат иқтисодиёт ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бозорларни айландим. Расталарда исталган турдаги мева, сабзавотлар, қўчатлар топилади. Нархи арзон. Айниқса, тандир нонларининг таъми оғзимда қолди. Бу бетакор онлар саёҳатларимга атаб тутган кунда-лигимдан жой олди. Унга эсдалик учун тушган суратларимни ҳам қўшиб қўйдим. Ушбу хотиралар мен учун ҳаётим давомида азиз ва қадрли бўлиб қолади.

**«Халқ сўзи» мухбири Шавкат ОРИҚОВ ёзиб олди.**



Мақсуд ЖОНИХОНОВ.



**«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ  
КОМБИНАТИ»**

**АКЦИЯДОРЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**


серкуёш республикамизнинг кўп миллатли  
халқини она-табиатнинг янгилини ва яшариши  
рамзи бўлмиш кўхна ва навқирон

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

билан самимий муборакбод этади!

Ушбу байрам ҳар бир хонадонга  
тинчлик-тотувлик, файзу барака,  
тўкин-сочинлик олиб келсин!

Гуллаб-яшнаётган Ватанимиз тараққиёти  
йўлида амалга ошираётган  
эзгу ишларимизга  
омад ёр бўлсин!



**«ЎЗКИМЁСАНОАТ»**

**ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

Ўзбекистон кимёгарлари номидан  
юртимиз ахлини ҳамда мамлакатимиз  
меҳмонларини кўхна ва ҳамиша  
навқирон байрамимиз —

**Наврўзи олам**

билан муборакбод этади!

*Барчага баҳорий кайфият, тинчлик-  
хотиржамлик ва муштажам соғлик тилайди!  
Жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши  
йўлидаги эзгу ишларингизда  
ҳамиша омад ёр бўлсин,  
азиз ҳамюртлар!*



**«ЎЗДОНМАХСУЛОТ»**



**АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИ  
ЖАМОАСИ**

*Ўзбекистон халқини*  
**Наврўз айёми**  
*билан кўтлайди.*

Заҳматкам олимлару ғаллакорлар,  
донни қайта ишлаш, нон ва нон  
махсулотлари ишлаб чиқариш саноати  
ходимларига, барча юртдошларимизга  
Баркамол авлод йўлида сўхат-  
саломатлик, яхши кайфият тилаб,  
кўзлаган режалари амалга  
ошишини, дастурхонлари  
тўкин-сочин бўлишини  
тилайди.





### Кўнгилга сайр

## Яшнаб чаманим...

Яшнаб чаманим, Наврўз ила нозга тўлибдир,  
Юртим оғуши шўх кую овозга тўлибдир.

Яйраб чиқадир эрка кўёш ёғду селинда,  
Дашт лолаланиб, боғ яна пардозга тўлибдир.

Чўлларни кўринг, мисли денгиз кўркини ёймиш,  
Кўлларни кўринг, ўрдак ила гозга тўлибдир.

Эй дил, яшариб, неча сайр айласанг арзир,  
Ҳар бир нафасинг ўзгача парвозга тўлибдир.

Ҳар лаҳза аро барқ урадир мангу ҳарорат,  
Ҳар гунчаси минг шарбат ила ёзга тўлибдир.

Юргил, гўзалим, бизни кутар боғу гулистон,  
Кўнгил тори ҳам жилва этиб, созга тўлибдир.

Жуманиёз ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири.

### Билиб қўйган яхши

Дунёда 140 дан зиёд лола тури мавжуд. Шунинг 25 турдан ортиғи юртимизда ўсади. Айниқса, март — апрель ойларида қийғос бўлиб гуллайдиган Фарғона, Буре, Леман, Суғд лоласи қир-адирларимизга ўзгача фойз бағишлайди.


## ҲАМ МАФТУНКОР, ҲАМ ШИФОБАХШ

Шуни айтиш керакки, лола нафақат ўзининг жозибали кўриниши билан кишига завқ бағишлайди, балки у шифобахшлиги туфайли ҳам қадрланади. Хусусан, Грейг лоласининг уруғ "қутиси" халқ таботатида қон қусишга даво сифатида фойдаланилса, гулбарглари кишини тинчлантирувчи, бош оғриғини қолдирувчи табиий омил сифатида тавсия этилади. Илдиз-пиёзлари эса тансиқ, қувватбахш неъмат сифатида истеъмол қилинади. Шунингдек, бурундан бемаврид қон оқишида ҳам лоланинг туйилган қуқуни яхши фойда беради.

Лолани пиёзи ёки уруғидан ўстириш мумкин. Пиёзидан экилган лолалар уруғидан чиққанига нисбатан эрта гуллайди. Лекин юлиган пиёзидан қадалган лола қайта гулламайди.

Шундай экан, табиатнинг ажойиб тухфаси бўлган лолани асраш ва муҳофаза этиш лозим.

Маннон НАБИЕВ.



## Маҳаллага айём тухфаси

Наврўз байрами арафасида Тўрақўрғон шахрининг Тошкент маҳалласида савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи муҳташам мажмуа фойдаланишга топширилди.

"Умидли келажак" масъулияти чекланган жамияти томонидан

ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 150 миллион сўмлик маблағ сарф-

ланди. 50 киши меҳнат қилаётган мазкур мажмуада озиқ-овқат, хўжалик

моллари ва китоб дўконлари билан бирга ўнлаб хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам фаолият юритмоқда.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»**  
КОМПАНИЯСИ  
ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни  
**НАВРЎЗ**  
АЙЁМИ  
билан самимий  
қутлайди!

**AZIYA**  
ELEKTRO ENERGIYA

**«АЗИЯЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ»**  
корxonаси

жаннатмонанд ва серкуёш Ўзбекистон халқи ҳамда юртимиз меҳмонларини кириб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми —  
**НАВРЎЗ БАЙРАМИ**  
билан чин юракдан табриклайди!

Элимизга фаровонлик, юртимизга барқарорлик ва абадий тараққиёт тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Ички хўжалик комплекси транспорт ва таъминоти бўлими ходими  
Собир Тулаганович ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Ўқув бўлими бошлиғи Б. К. Ҳасановга укаси  
Бежон ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 64025 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Тахририятта келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т - Тижорат материаллари

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.  
Навбатчи — Қ. Хидиров.  
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.20 1 2 3 5